

РЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● № 113 (2377)

● 1991 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРЬ

● ПАЙШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**УРТОҚ Э. АЛМАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ  
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Уртоқ Зокиржон Алматов Ўзбекистон республикаси  
Ички ишлар вазири этиб тайинлансин.  
Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти  
Тошкент шаҳри  
1991 йил 16 сентябрь.

**И. КАРИМОВ.**

\* \* \*

**Зокиржон АЛМАТОВ**



1949 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, Тошкент Давлат дорилфунуни ҳуқуқшунослик факультетини 1976 йилда тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1967 йилда «Тошавтомаш» заводида йиғувчи-слесарликдан бошлаган, Совет Армияси сафларида хизмат қилган.

1971 йилдан буён ички ишлар органларида ўрта ва катта бошлиқлар таркибид

турли лавозимларда хизмат қилиб келмоқда. Тошкент район ижроия комитети ички ишлар бўлимининг бошлиғи, Тошкент вилоят ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, республика Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи бўлган. 1990 йилдан буён Тошкент вилоят ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи.

**ХРОНИКА**

Уртоқ Вячеслав Мухторович Камолов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан

Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазири вазифасидан озод этилди.

**ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Ўзбекистон ИИБ ҳайъати наشري «Постда» рўзномаси бир неча йиллик танаффусдан кейин чиқа бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, лекин унинг ҳар бир сонини сабрсизлик билан кутувчи мухлислари кундан-кунга кўпаймоқда. Рўзномани нафақат жумҳуриятимиз, балки қўшни Қозоғистон жумҳуриятининг Чимкент, Тожикистон жумҳуриятининг Хужанд, Туркменистон жумҳуриятининг Тошховуз, Қирғизистон жумҳуриятининг Уш каби вилоятларида яшовчи элатдошларимиз ҳам севиб ўқишларининг гувоҳи бўлганман.

Рўзнома ички ишлар идоралари сафида хизмат қилаётган ходимлар ҳаёти ва уларнинг фаолиятини тарғибот қилиш билан бир қаторда, аҳоли ўртасида ҳуқуқий саводхонликни оширишга, жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда муҳим рол ўйнамоқда.

Муҳарририят жамоасининг иш режаларига қўра рўзнома саҳифаларида келгуси йилдан бошлаб «Ҳуқуқий саводхонлик», «Саргузашт бурча-

ги» (яъни саргузашт асарларини чоп этиб бориш), «Вилоятларда рўзнома кунлари» каби янги руқиялар очилиши режалаштирилган экан. Демак, янада ўқинишли бўлади.

Айни кунларда Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг туманлардаги барча бўлимларида ва ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида 1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна бошланди. Ички ишлар сафида хизмат қилаётган деярли ҳар бир ҳодим «Постда» рўзномасига обуна бўлмоқда. Бу ҳайрли ишни амалга оширишда Отабек Хидиров, Эркин Назаров, Ирина Сульдина каби рўзноманинг жамоатчи тарқатувчилари фаоллик кўрсатаётдилар.

Шунингдек, Қарши туманининг Темир Мирзаев номи давлат хужалигида жойлашган Сарой, Перон, Тўқманғит, Узунново, Парғуза каби қишлоқларда яшовчи аҳоли ўртасида ҳам ушбу рўзномага обуна қизгин давом этмоқда.

Чори САТТОРОВ,  
ички хизмат капитани.



**МОТОЦИКЛДАГИ ҚОИДАБУЗАРЛАР**


Жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларида транспорт воситалари билан боғлиқ бўлган ҳодисалар шу қадар кўпки, уларнинг аксарияти фожеа билан тугалланмоқда. Ҳайдовчининг ўта масъулиятсизлиги, йўл ҳаракати қондаларини менсимаслик, бошқариш ҳуқуқсиз рулга ўтириш, спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда уловни бошқариш ҳар хил қўнғилсиз воқеаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Оқибатда ҳали ҳаёт нашидасини тотмаган гўдак дунёдан бевақт кўз юммоқда ёки ота-онасидан айрилмоқда. Майиб-мажруҳ бўлиб қолаётганлар-чи? Уларнинг сони қанча?

Бу ҳам етмагандек кейинги пайтларда давлат рақамлари бўлмаган турли белгидаги мотоцикл ҳайдовчиларининг кўчаларда, аҳоли зич жойлашган масканларда одамларнинг ғашини келтирадиган даражада шовқин билан юришлари, ҳаракатдаги автомобиллар орасидан қондан бузган ҳолда авария ҳолатларини

содир қилганча «учиб» ўтишлари фалокат сари яна бир қадам бўлмоқда. Баъзан битта мотоциклга уч-тўрт ўсмир мингашиб олиб, йўл-йўлакай турли жиноятлар содир этаётгани тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Бу борада Наманган вилояти ИИБ томонидан ўтказилган ўн кунлик тадбир — «Мотоцикл» операцияси айни муддао бўлди. Ушбу тадбир кунларида вилоят милиция ходимлари жами 1,5 мингдан ортиқ мотоцикл ҳайдовчиларининг ҳужжатларини текширишди. 337 та давлат рақамига эга бўлмаган, бироқ фойдаланиб келинётган мотоцикл ҳайдовчилари тўхтатилиб, уларга тегишлича чора кўрилди.

Ўн кунлик тадбир мобайнида вилоятдаги Тўрақўрғон тумани ИИБ давлат автомобил назоряти ходимлари фаоллик кўрсатишди. Кўплаб қондабузарликлар аниқланди, авариялар бўлишига йўл қўйилмади.



СУРАТЛАРДА: Тўрақўрғон тумани ИИБ ДАНБ инспектори милиция старшинаси Абдулаҳад Анбаров ҳайдовчи ҳужжатларини текширмоқда, дружиначи Олимжон Қобилжонов унга ёрдам бераёт-

тир; тадбир ўтказилган кунлар давомида қўлга тушган қондабузарларнинг мотоцикллари.

Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ олган сураатлар.

● Янги қонуниятни кашф этдим, десам бўлади. Москвадаги баъзи нашрларнинг саҳифаларида Тошкент шанига бўлмагур гаплар қанча кўп айтилса, Ўзбекистон раҳбарлари марказда жумҳурият манфаатларини шунча ишонч билан ҳимоя қиладилар.

Бунинг сабаблари ҳам маълум. Эндиликда москвалликлар қанча уринмасинлар, ишлари ўнгидан келмаяпти. Улар, бир томондан, ўзларини демократлар сифатида кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Собиқ ҳокимиятда бўлганидек, Ўзбекистондан пахта, қорақўл, ипак, олтин, рангли металллар, хом ашёлар ва бошқа бойликларни арзон-гаровга олиб кетишга уринишмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан билимдон раҳбарлари билан куч ишлатиш воситасида музокаралар ўтказиш мумкин бўлмай қолганлиги сабабли «катта оғамиз» турли ҳийла-найранглари зимдан ишга солмоқда. «Миллатларо можаролар», «Оппозиция», «Махсулот етказиб бериш» сингари усуллар шулар жумласидандир. Давлатимизнинг занглаган воситалари Фарғонада қонли фожияни келтириб чиқарди, республикамиз завод ва фабрикаларини хом ашёсиз, ёқилгисиз ва бошқа нарсаларсиз қолдиришмоқда, ақл билан иш тутишга кўнмайдиган мурасасизлар гуруҳини, гапга чечан нотикларни митингларга олиб чиқишмоқда... Маълум бўлишича, Москвада турли хил ҳийла-найранглар, фискал-фужурлар келтириб чиқарилган усуллар ҳали кўпчилигини бу ерда, Тошкентда тушунишмаяпти. Мана энди янги бир тугмача — «матбуот тугмачаси» босилди. Худди шунга кутиб тургандек, пойтахтдаги бир неча нашр «демократия учун» жанг қилишга киришди. «Мегаполис-экспресс» деб аталмиш халқаро ҳафтаномада эълон қилинган ғаразли мақолалар ҳақида бундан аввал ёзишимга тўғри келган эди. Ҳафтанома таҳририяти Москва марказида, ташландиқ, боши берк бир кўчада, Кремлдан атиги бир неча қадам нарида жойлашган. Мазкур нашр саҳифаларида шу йилнинг ўзидагина Ўзбекистон тўғрисида неча ўнлаб мақолалар чиқди, лекин улар орасидан бирорта холис ёзилган мақолани топиб бера оласизми менга! Январ ойида КПСС Марказий Комитетидан Тошкентга сим қоқишиб, ушбу рўзнома муҳбири Елена Пеструкинани қабул қилишни сўраганларидан кейин ана шундай ғаразли мақолалар кетма-кет босиб чиқарила бошлади.

Шундан кейин рўзномада кўп ёлгон-яшиқ гаплар пайдо бўлди. Пала-партиш ма-

ни эшитган Тошкент ҳайвот боғидаги жонотларнинг ҳаммаси кулгудан ичаги узилганмиш. Кишининг ақли бо-вар қилмайди, марказдаги рўзномалар мисли кўрилмаган ёлгон-яшиқларни тарқатмоқда.

Сергейнинг ўзига тегишли. Лекин бунда ҳам у хатоларга йўл қўйган. «Дор остида» мақоласида «Ўзбекистонда ўз Президентларини нима сабабдан танқид қилмайдилар?» деган савол қайта-қайта ай-тилади. Бу саволга савол би-

чилардан, фахрийларнинг оналаридан, талабалардан Президентни нима учун танқид қилиш керак, деб сўраб кўринг. Бу холисона илмий далил бўлиб, Ислоҳ Каримовнинг халқ орасида обрўси ниҳоятда баланд эканлигини кўрсатади. Рус халқи ҳам Борис Ельцинни худди шундай ҳурмат қилади. Энди журналистлар ҳам бунга ўрганишса арзирди.

Дарвоқе, бу гапларни нима учун айтди. Инсоннинг ақл-идроки, виждони сотилмасе унинг ўзи ҳамма нарсани тушуниб олади. Бинобарин, рўзномаларда уюштирилган кампания ташкилотчиларига шахсан менда катта шубҳа бор. Мабодо, ёппа-ёруғ кунда ёлгон-яшиқ ишга солинган экан, виждон ҳақида гапиришга ҳожат бормикан? Гўзаллик танлови деб аталмиш мусобақалар ёрдамида москвалик ва россиялик қизларни ишга солиб, комсомол ташкилотчилари худди ким ошди савдосидек пул ишлаб топаётган, матбуоти эса бундан қувониб кўпиртириб ёзаётган бир пайтда қандай виждон ҳақида гапириш мумкин? Наҳотки, улар ана шу дабдабали манзарадан кишини мафгун этадиган тадбир ортида қизларнинг иззат-нафси оёқ ости қилинаётганини, улар сотилаётганини пайқамётган бўлсалар? Эркин матбуотнинг ҳуқуқи — хусусан эркин, яъни ўзи хоҳлаганидек эркин бўлишидир. У худди эркин аёл сингари ўз уйида тадбиркор бека; жанобларнинг итоаткор хизматчиси; ғайратли ва се-вувчи; ўзига хос мағрур ва нафосатли; ўз танини сотади-ган бўлишга ҳақлидир... Бу ўз йўлини эркин танлаш ҳуқуқидир. Ўзбекистонда ҳалол ва адолатли журналистларни қадим-қадимдан ҳурмат қилганлар. Уларнинг танқидий фикрларини қадрлаганлар, энг қадимий касб вакилларига келганда эса, халқнинг уларга муносабати маълум. Шундай қилиб, гўзал қизлар, агар сиз Тошкентга келиб қолсангиз, ўзбек йигитлари сизларни самолёт пиллапо-сигача кузатиб қўйсалар ҳа-фа бўлманг. Ҳар қандай маърифатли мамлакатда, масалан АҚШда сотқин матбуот вакилларига нисбатан бундан ҳам кўполроқ муносабатда бўладилар.

Мабодо сиз Ўзбекистонга ҳалол ва покиза ният билан келсангиз, ўзбек халқи ўз қалбини сизларга очади, меҳмондўстлик билан кутиб олади, ҳамма нарсани баҳам кўради, энг охиригчи нонини ҳам бўлашиб ейди. Мен бундай меҳмондўст халқни учратмаганман. Ухшашини топмасман асло.

**В. ЧЕРНИШЕВ,**

СССР Журналистлар уюш-масининг аъзоси.

# „УХШАШИНИ ТОПМАССИЗ, АСЛО...“

қолалар эълон қилинди. Рўзнома И. Каримов аслида Ҳиндистонда бўлган бир вақтда «унинг Москвага кузатиб қўйилиши» тўғрисида гапириб ҳаммани ҳайратда қолдирди. Қизиги шундаки, бу рўзнома Ўзбекистоннинг Иттифоқ шартномасини имзолашига зўр бериб қарши чиққан эди. Бу эса машъум фавқулодда ҳолат давлат комитетининг мафкуравий кўрсатмаларига ниҳоятда мос келади. «Мегаполис-экспресс» ҳафтао-масида эълон қилинган, юзаки қараганда ҳақиқат бўлиб туюладиган деярли ҳар бир мақолани шу тариқа назардан ўтказиш мумкин, синчиклаб қарасангиз, улар атайин уюштирилган ёлгон-яшиқ гаплар бўлиб чи-қади. Хуллас, ноҳолислик, руҳан салбийлик «Мегаполис-экспресс» ҳафтао-масига хос хусусият бўлиб, ре-жалли тарзда оқни қора, қорани оқ қилиб кўрсатиш-дек вазифани ўз олдига қўйган кампаниябозликнинг ёрқин мисолидир.

Эндиликда баъзи комсомол нашрлари ҳам Ўзбекистонга нисбатан тескари бўлиб олдилар. Мен ўзим ҳурмат қиладиган, қачонлардир мақолаларимни эълон қилган «Комсомольская правда» рўзномасини танимай қоляпман. Ушанда фактлар, рақамлар, исм-шарифларни қай даражада қунт билан текширганликларини ҳали-ҳали эслаб юраман... Ҳўш, энди бошқача бўлиб қол-димиз? Гўёки Ўзбекистон пойтахти марказида ўзгача фикрловчилар террор қили-наётган эмиш, отишмалар бўлаётган эмиш, гўёки қим-ларнингдир олдида содиқ-лигимизни намоён этиб, қаддимизни дол этиб турган-мишимиз. Шунга ўхшаш гаплар... Тошкент ҳайвот бо-ғида эса шўрлик айиқни сўй-иб еб қўйишганмиш. У ерда очлик ҳукмронми ёки ҳаммаёқда ваҳшийликми, би-лиш амри маҳол эмиш. Ай-тишларига қараганда, «Ком-сомольская правда» рўзно-масидаги бўлмагур гаплар-

Ҳар ҳолда, биз — Ўзбекистон аҳолиси бундай аҳ-моқона гапларни эшитиб, ёқа ушлашимизга тўғри келмоқда. Гап шундаки, худди ўша рўзномада олий мансабли бир киши, афти-дан тугмачаларни босиш ҳу-қуқига эга бўлган амалдор алампдан шундай дейди: бен-зин гўёки газли сувдан ҳам арзон эмиш, унинг нархини кўтариш керак эмиш. Адо-латли гапларми? Бўлмасе-чи! Пахтага келганда эса... ўра-га сичқон тушиди, гулдуз гуп, деганларидек уни би-ринчидан коммунистлар етиштиради, иккинчидан то-талитар тузумда экилади. Ҳадеб маҳмаданалик қила-версангиз кислород бериш-ни ҳам тўхтатиб қўямиз — бу, учинчиси. Хуллас, Ўз-бекистон пахтасига яқин орада доллар ҳисобидан жа-ҳондаги ўртача нарх бери-лишига умид қилмасак ҳам бўлади.

Шундай қилиб «Комсо-мольская правда» яқин-яқин-дагина партия маҳфияларини куйлаб юрган, чўнтагида партия билети билан мансаб курсисига ўтирган жаноб де-мократлар тўғрисидаги жуда муҳим давлат сирларини ош-кор қилиб қўйди. Энди эса, кўриб турибсизки, уларга Коммунистик партия умуман ёқмай қолди, бошим борган-ча, оёғим етганча қабилида иш тутиб, истаган кўчалари-га кириб кетишмоқда. Буна-қа пайтда ҳатто Сталин ҳам мустақил давлат халқига шундай қабилда сабоқ бе-ришдан эҳтиёт бўлган бўлур эди.

Хуллас, ҳозир «янги-ча» йўл тутаётган комсомол нашрларининг танқидий ус-лубларида ҳеч қандай янги-лик йўқ. «Собеседник» («Сухбатдош») ҳафтао-масида Сергей Романовский-нинг «Дор остида» деган ма-қоласи чиқди. Унинг турган-битгани кўчирмадан иборат. Мард антифашист Юлиус Фучикдан ўйрилган сарлав-ҳадан тортиб «Мегаполис»-дан олинган фикрларга ҳам-ма-ҳаммаси кўчирил-ган. Тўғри, бир неча жумла-

лан жавоб бериш мумкин: сиз суверен ва мустақил дав-лат ишларига нима сабабдан аралашаяпсиз?

Ўрни келганда шуни ҳам айтишим керакки, «Совет Ўзбекистони», «Правда Вос-тока» рўзномаларида Ўзбе-кистон Президенти Илоҳ Каримовни шахсан танқид қи-лишимга тўғри келган. Қиш-лоқда хўжалик юртишнинг янги шакллари маъмурий колхоз-совхоз тизимидан аж-ратиш, эндигина пайдо бўла-ётган фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашининг муҳимли-ги фактлари ана шу танқид-ий чиқишларимнинг мавзуи бўлганди. Иккинчидан, жа-миятни демократиялаш, жа-мият тўғрисидаги тасаввур-ларимизни чуқурлаштириш, бошқарув даражасини юксал-тиришнинг муҳим омилли си-фатида давлат даражасида жамоатчилик фикрини билиш учун савол-жавоб ўтказиш зарурлигини айтгандим. Пре-зидентимизни танқид қилса бўладиган бошқа нарсалар ҳам бор. Мана кўриб туриб-сизки, мени зиндонга таш-лашмади. Ҳурматли москвал-лик ҳамкасбларим, ўзгалар ибодатхонасига бировларнинг кўрсатмаси билан кириб са-жда қилиш мумкин эмаслиги-ни эслатганим учун мени маъзур тутасизлар.

Танқиддан, тўғрироғи, тан-қидбозликдан картошканинг нархи пасаймайди. Дарвоқе, Ўзбекистонда бизнинг зорла-нишларимизга қарамай, қиш-лоқ хўжалик махсулотлари-нинг нархи мамлакатимизда-ги бошқа ерларга нисбатан жуда ҳам арзон. Бу шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ер ажратиш, аҳолига мол ва парранда сотиш, уй ҳайво-ларини ем билан таъминлаш тўғрисида жумҳуриятимиз Президенти чиқарган Фар-монларни амалга ошириш би-лан бевосита боғлиқдир. Ҳар ҳолда неча миллионлаб қиш-лоқ аҳолиси Президент Фар-монлари ўзларига самарали таъсир қилганини ҳис этди-лар. Бепул нонушта қиляёт-ган ўқувчилардан, квартира-лар бепул берилган ўқитув-

— ТУМАНИМИЗДА жа-моат тартибини сақлаш бў-йича кўнгилни қувонтиради-ган ишлар қилинмоқда, — дейди Боғот тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари милиция капитани Комилжон Иброҳимов. — Айниқса, туманимиз марказида ва-зират барқарорлиги таъмин-ланмоқда. Бу ерда шу кун-гача бирор марта ҳам қо-нунбузарлик қайд этилмади.

СУРАТДА: (ўнгдан чапга) кўнгилли халқ дружиначиси Хўжаназар Саидов, катта участка вакили милиция кат-та лейтенанти Шарифбой Аҳмедов, дружиначи Раҳма-тулла Жумабоев, жамоат тартибини сақлаш катта ин-спектори милиция капитани Худоёр Қурбонов ва туман кўнгилли халқ дружинаси йўриқчиси Шарифбой Қур-боновлар навбатдаги режа-лар хусусида ўзаро фикр алмашмоқдалар.

Сураткаш Саъдулла БОБОВ



## САМОХИН, ЭҲ, САМОХИН...

1952 йилда туғилган Андрей Михайлович Самохин Қува дон махсулотлари комбинатида тепловоз машинисти бўлиб ишлайди. Уч нафар фарзанди бор.

У мебель комбинатидан 10 дона «ДСП» махсулотини та-ниш-билншларни орқали 91 сўм 10 тийинга сотиб олди.

Ҳа, энди пулни тўлаб ол-ган бўлса, олгандирда, дерсиз!

Ундай бўлса, қолганини эшитинг. Устумон машинист ана шу махсулотларни Қува шаҳрининг Калинин кўчасида-ги 14-уйда истақомат қиляди-ган Мўминжон Тешабоевга чай-қов нарҳида сотаётганда, қу-лиги ҳаммага аён бўлди.

Раҳимжон РАҲИМОВ, милиция катта сержанти.

# ТАНБАЛЛАР

Ишлайман деганга иш кўп. Аммо бу кўнгил ҳар қанақасига кўнавермайди-да. Айниқса, илгаридан кўл эгрироқ бўлса, хархашаси кўпроқ. Қишлоқ жойларида эса иш танланмайди. Аллақачон эгаси бор. Фақат дала. Бироқ оилавий пудрат, ижара деган гаплар чиққанидан кейин улар ҳам осмондаги юлдузлар каби кўл етмас. Э, нимасини айтасиз. Шуҳрат нчди дегунча, мана шунақа файласуф бўлиб қолади. Қалласига баъзан шунақа ақлли ўйлар келадики, афсус, ўзидан бошқа ҳеч ким уни билмайди. Унга кўшилиб замондан, қонундан нолимайди. Баъзида эса...

Бу гал омади чопди. Дилшод иккови яхшигина кайф қилишгач, Шуҳратнинг дийдеси бошланди. Ҳамтовоғи жуда тушунган йигит экан, унинг гапларини кўлаб-қувватлаб турди. Оғайни деган шунчалик бўлади-да. У ҳам, бу ҳам ғирт бекорчи. Кўрган кунини обдон сўқиб, хумордан чиққан Шуҳратнинг хаёлига яна ғалати фикрлар кела бошлади. Дилшод қувватловчи эмасми, ғамдийдалар йўлга тушишди.

Сижжак қишлоғидаги эшигига қулф осилган уйга дераза орқали киришди. Хоналар шип-шийдам қилинди.

Бироқ қишлоқда ҳамма бир-бирини танийди. Ким нима билан шуғулланаётганлиги беш кўлдек маълум. Шу боис Шуҳрат ва Дилшодлар тез фурсатда қонун олдида жавоб бердилар.

**Хусан ИКРОМОВ,**  
Бўстонлиқ тумани ИИБ ходими милиция катта лейтенанти.



Қаердаки ички ишлар ходимлари билан суҳбатда бўлсангиз, ихтиёрларидоғи техника воситаларининг кўнгилдагидек эмаслигидан нолишад.

Ҳазораси тумани ИИБ ҳузуридоғи кўриқлаш бўлими ходимлари эса тамоман бошқача фикрдалар.

— Бизда милиция сержанти Отабек Давлетов деган йигит ишлайди, — дейишди улар. — Милиционер-ҳайдовчимиз. Машинаси доимо тоза ва соз туради.

Мана бу суҳбатда техникага бўлган ихлоси билан ҳамкасблари меҳрини қозонган Отабек Давлетовни кўриб турибсиз.

Суратқаш Саъдулла БОБОЕВ.

# САБОҚ БЎЛСИН-ДА

Олег Борисов билан Сергей Кулешовлар эрталаб соат 9 да учрашди.

— Бугун шанба, оғайни, — деди Сергей дўстига маъноли кулиб қараркан. — Бир дам олайлик.

— Хўш, нимани таклиф қиласан?

— Яқинда аканг уйланди. Бу воқеани яна бир марта «ювиш» керак.

— Яхши таклиф. Ҳозир десанг, ҳозир «ювмиш».

— Ҳа, майли, бўладиган ишнинг бўлгани яхши.

Шундай қилиб, улар ярим шиша ароқни хўроз қичқирмасдан ичиб олишди. Кейин тўғри Фарҳод бозорига йўл олишди.

Тошкент бозорларига кирган кишининг кўзи қувнайди. Ҳил-ҳил пишган мева-чевадар, қовун-тарвузлар, сархил сабзавотлар. Нархи аввалгига нисбатан бир оз қимматроқ бўлсада, серобчиликка нима етсин!

Лекин икки оғайни пештахталарда терилиб турган нознеъматларга эмас, кўпроқ убу харид қилаётган харидорлару деҳқончилигини мақтаб сотаётган деҳқонларга боқишарди.

Ниҳоят, бодринг ва помидор сотилаётган пештахтага яқинлашди. Олег А. Курек исмли аёлнинг халтасидан

ҳамёнини билдирмайгина олди ва орқасида турган Сергейга узатиб юборди.

Дўсти эса ундан ҳам эҳтиёткорлик билан «ўлка»ни шимининг чўнтагига жойлади. Лекин қўлини суғуриб олишга улгурмади. Милиция ходимлари тугиб олишди. Очиб кўришса, ҳамёнда 103 сўм пул бор экан...

Яқинда Ақмал Икромов тумани халқ суди 1974 йилда туғилган бу «учар»ларнинг жиноий ҳаракатларини атрофлича кўриб чиқди. Уларнинг балоғатга етмаганлиги, муқаддам судланмаганлиги ва ИИБ балоғатга етмаганлар билан шуғулланувчи ходимлари рўйхатига тушмаганлиги, қолаверса Борисовнинг ўн икки бармоқли ичак касали билан оғриганлигини ҳисобга олиб, суд ҳукми чиқарди.

Бу болалар ЖМнинг 15-моддаси ва 125-модда 2-қисми билан айбдор деб топилди, ҳар бири уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. 44-модда 1-қисмига асосланиб, белгиланган жазонинг ижро мuddати икки йилга кечиктирилди.

Уларга-ку, шафқат қилинди. Айтнинг-айтнинг бу воқеа сабоқ бўлсинда...

Р. ҚОСИМОВ.

# ҲУШЁРЛИКНИ ҚАРАНГ

Бугун ихтиёридаги буюмни кўз қорачиғидек асраш ақли расонинг иши. Бироқ боқибғамлик қон-қонимизга сингиб кетган экан.

Фарғона шаҳрида вилоят касалхонаси бош табиби хонаси эшигининг қулфини бузиб ичкарига кирган ўғрининг омади чопди. Ярим кечаси 8.700 сўм пул, телефон аппарати ва «Спидола» приёмниги ни ўмариб кетганини ҳеч ким пайқамасди.

3 сентябрь кунин Сурхондарё вилояти матлубот жамиятлари уюшмасининг улгуржи савдо базаси директори милицияга ёзма ариза билан мурожаат этди. Унда айтилишича, 1 сентябрь билан 3 сентябрь оралиғида номалум номард тижорат дўкони даворини орқа томондан тешиб, 68 минг 578 сўмлик камёб молларни ўмарибди. У кишининг ҳушёрлигига қойил қолмай илож йўқ. Ахир, ўғирликни бир ой ёхуд бир ҳафта ўтказиб эмас, балки атиги уч кундан кейин билибди.

Ғ. ТЕМИРОВ.

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Анджон шаҳри Маяковский кўчасидаги 61-уйда истиқомат қилувчи Уктамжон Мадраҳимов шаҳар автокомбинатда ишлайди. Лекин қуруқ мош билан яшаш унинг жонига тегди. Тез-тез қўшни Қирғизистоннинг Уш, Узган шаҳарларига сафар қиладиган одат чиқарди.

Яқинда у Узганда минг қути «Риск» сигаретасини 65 тийиндан пуллаётганда, қўлга олиндию сири фош этилди. Агар милиция ходимлари ишнинг белига тепишмаганларида, у бир кунда 300 сўм соф фойда кўраркан.


Шаҳар умумий овқатланиш трестига қарашли «Спорт» емакхонаси бош ошпази Баҳодир Турғуновнинг чайқовчиликда суяғи йўқ экан. Бехит-

роқ бўлсин учун Аъзамжон Назаровни ўзига шерик қилиб олди. Кафеда спиртли ичимликлар сотиш таъқиқланган бўлсада, Аъзамжон ароқни туянинг баҳосида пуллаётарди. Лекин бир мижоздан икки шиша ароқ учун 36 сўм олаётганда...

Текширув пайтида кафе омбухонасидан 2 минг 94 шиша ароқ топилди.

Суриштирув давомида Б. Турғунов бу маҳсулотларни Анджон туманидаги матлубот жамиятига қарашли 35-дўкон (мудир М. Ҳожиматов)дан ундирганини айтиб берди.

**Р. ХОЛМИРЗАЕВ,**  
Анджон шаҳар ИИБ БХСС бўлими мас бошлиғи ўринбосари милиция катта лейтенанти.



# УЗОҚДАГИ ТЎҒРИ ЯХШИ

Ўзбекининг ўзига хос қадриятлари, ҳавас қилса арзийдиган урф-одатлари бор. Шулардан бири қўни-қўшнилари ўртасидаги ўзаро муносабатлардир.

Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал, деган нақл қачон пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди. Эҳтимол бу нақл «туғилган» вақт миллатимиз тарихининг ибтидоси билан боғлиқдир. Азал-азалдан тансиқроқ таом пиширилса, ён қўшниникига битта тақсимчада киритилади. Чунки қўшнининг қўшнида ҳақи бор.

Бирор киши уй қураятми, дейлик. Ҳашарга албатта ён-атрофидаги хонадон эгаларини таклиф қилади. Мабодо кимдир тўй қилмоқчи бўлса, бутун маҳалла-кўйдагилар ётиб олиб хизматда бўлишад.

Худди шунингдек, бирор кишининг бошига кулфат тушса, бундан биринчи навбатда яна қўни-қўшнилари қайғуришади.

Риштон туманидаги Чек-Насриддин қишлоғида Истиқомат қилиб келган Муҳсин Аҳмадалиев халқ суди ҳукми билан тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этилди,

унга тегишли мол-мулклар эса давлат ҳисобига мусодара этилди. Лекин назаримизда унинг бошига тушган бу кўнгилсизлик туфайли қўни-қўшнилари, маҳалладошлари азият чекишмаяпти. Нега? Негаки 1967 йилда туғилган бу йигит юқорида айтилган: «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал», — деган нақлни ўзинча тушунди. Тўғриси айтганда, халқимиз авайлаб-асраб келаётган қадриятларимизу урф-одатларимизни оёқости қилди.

Утган йилнинг октябрь ойида кўздек яқин қўшниси Аҳмаджон Маҳмудовнинг хонадонига яширинча кириб борди. Тонготарда ҳамма ширин уйқуда ётганлиги учун ҳеч ким сезмади. Иши юришганини ҳис қилган Муҳсин ҳовлида турган 76 сўмлик велосипедни секингина кўчага олиб чиқди. Кейин тўппа-тўғри қўшни Вағдод туманига қараб учириб кетди. Номалум шахсга осонгина пулладида, яна ҳеч нар-

са билмагандек изига қайтди. Орадан бир неча кун ўтгач, сўфи азон чақирмасдан шу қишлоқлик Абдужалил Эргашевнинг ҳовлисида турган 110 сўмлик велосипед ҳам гумдон қилинди.

Ўзининг тажрибасига анчамунча ишониб қолган Муҳсин навбатдаги «тадбир»ини 20 декабрь кунига белгилади. Саҳар-мардонда ҳамқишлоғи Аҳмадали Турдалиевнинг хонадонига «қадам ранжид» қилди. Одатдагидек уй эгалари беҳадик-беҳавотир ором олардилар. Уйғоғиниб қарашсаки, нечагина ҳовлида турган 140 сўмлик велосипед йўқ. Ахтаришди, сўраб-суриштиришди — топилмади. Топилмасди ҳам, негаки бу велосипед ҳам Вағдод кўрғонига эгалик бўлиб кетганди аллақачон.

Ишбилармон ўғри янги йилни янги режалар билан кутиб олди. «Ҳадеб велосипед ўғирлаш жонга тегди, энди каттароқ буюмни кўз остига олиш керак», — деб ўйлади ўзича. Ниҳоят, ян-

варь ойининг охирларида навбатдаги «ов»га чиқди. Яна узоққа эмас, ҳамқишлоғи Мамасоли Исроиловникига йўл олди. Чунки чироқ ўчиб қолган, айни вақт. Соат эса тунги саккиз ярим. Билдирмайгина ичкари уйга кириб, стол устида турган 210 сўмлик «Романтика-306-1» магнитофонини қўлтиқлаб, икки дона 10 сўм 50 тийинлик кассетани чўнтакка жойлади. Кейин қандай кирган бўлса, худди шундай оҳиста қадам ташлаб чиқиб кетди.

Бу сафар ҳам иш гўёки хамирдан қил суғургандек осон кўчди. Эртаси кунин эса қишлоқда миш-миш тарқалди. Аввал уч кишининг велосипеди йўқолганди, энди эса магнитофон. Биров у деди, биров бу деди. Муҳсин эса бу содда одамлар устидан ичида маза қилиб кулди.

12 апрелга ўтар кечаси эса Гулбаҳор Набиевнинг уйига ўғри оралади. Деразадан кириб, 330 сўмлик аёллар пальтосини, 150 сўмлик жун

рўмолини, яна 15 сўмлик ва 9 сўмлик иккита сим рўмолини ўмариб кетди. Бу воқеа тунги соат бирларда рўй берди.

Йўқ, бу сафар одамлар орасидаги таҳликали шивир-шивирлар узоқ давом этмади. Изқуварлар шоҳида юрса, ўзи баргида юришини ўйлаб катта кетган Муҳсин Аҳмадалиев панд еди. Қўлга олингач, милиция ходимларига барча тунги «саргузаштлар»ни гапириб беришга мажбур бўлди.

Ҳа, ҳозир у ўзбекман деган одам учун гоят шармандали бўлган темир панжаралар ортида ўтирибди. Буни-си ҳам майли. Эҳтимол, тўрт йил унинг учун ҳаш-паш дегунча ўтиб кетар. Энг даҳшатлиси олдинда. Қишлоғига қайтиб келгандан кейин катта кичик қўлини бизиз қилиб кўрсатиб, анави ўзимиздан чиққан ўғри бўлади, дейишмасмикан? Унда қандай бош кўтариб юради? Шунга ҳайронимиз.

Эшитишимизча, Чек-Насриддинликлар: «Яқиндаги ўғридан узоқдаги тўғри яхши», — дейишяётганмиш.

Қул ТЕГИН,  
Али ЭРДОН.

1955 йил, июль. Қуёш борлиқни тандирдек қиздирмоқда. Қиров номли жамоа хўжалиги аъзолари бир текис кўсаклаган гўзаларга жадал ишлов бериб, эгатларни бегона ўтдан тозалаётган, пешма-пеш сув тараётган кезлар. Нарироқда эса неча асрлик сир-синоатлар гувоҳи бўлмиш азим Сирдарёнинг бўтана суви ўзанига сиғиб-сиғмасдан пишқириб оқмоқда.

Тушликка яқин колхозчилар дарё соҳилидаги катта тол соясига нафас ростлагани чиқиб, дарёда аллақандай қоп оқиб келаётганини кўриб қолишди. Бригада бошлиғи сувга тушиб, қопни қирғоққа олиб чиқди. Не кўз билан кўришсинки, ундан бир қизнинг ўлиги чиқди.

Уша пайтда мен Наманган вилояти ички ишлар бошқармасида мастул вазифада хизмат қилардим. Бошқармаимизнинг жиноят қидирув бўлими бошлиғи Қутбиддин Мамажонов, суд-медэксперт Акрамов учовимиз зудлик билан жасад топилган жойга етиб бордик. Ҳақиқатдан ҳам кўринишидан 18-19 ёшли, атлас кўйлак-лозим, кўйлак устидан беқасам камзул кийган номаълум қизнинг ўлигини соҳилга ётқизиб қўйишибди. У бўғиб ўлдирилган, бўйнида арқон ҳам турибди. Камзули чўнтагидан бир дона сувга бўкиб, ёзувлари ўчиб кетган поезд паттаси топилди, бошқа бирон ҳужжат, пул-мул йўқ экан.

Ёзув-чизув ишлари тугаллангач, ўликни ёриб кўриш учун вилоят касалхонасига жўнатдик. Акрамовнинг аниқлашича, қизнинг ўлганига уч-тўрт ой бўлган. Жасад топилган депараларда дастлабки суриштиришлар ҳеч қандай натижа бермади. Энди ҳамма умид сувга бўккан поезд паттасида эди. Уни Тошкентга, суд-медэкспертизасига, юбордик. Натижада поезд паттаси Андижон вилояти Избоскан тумани ҳудудидаги Пойтуғ станциясидан 3 март кунини сотиб олинганлигини аниқлашга муваффақ бўлдик.

Катта оператив вакил Бойхонов Избосканга юборилди. У туман ички ишлар бўлими ходимлари ёрдамида патта Шаҳодатхон Ибро-

# ҚУЛМИ ҚОН ОШИҚЛАР

ҳимованинг номига берилганлигини аниқлади. Маълум бўлишича, Избоскан милицияси 15 мартдан унга қидирув эълон қилган экан, Бойхонов Шаҳодатхоннинг онаси билан суҳбатлашди.

— Қизингиз қачон ва қандай мақсадда уйдан чиқиб кетган эди?

— Учинчи март кунини Наманганга, Қундузхон деган танишининг олдига кетган эди.

— Қизингиз нима иш билан шуғулланарди? Қундузхоннинг олдига қандай юмуш билан кетганди?

— У Наманганга бориб, Қундузхондан Чуст дўппиларини олиб келиб сотар эди. Уша аёл икки-уч марта бизникига ҳам келган.

— Қундузхоннинг олдига қизингизни ахтариб бормадингизми?

— Бордим, албатта. Бироқ у Шаҳодат келгани йўқ, деб айтди.

— Қизингиз уйдан чиқиб кетаётганда қанақа кийимда эди?

— Бошида қимматбаҳо рўмол, эгнида атлас кўйлак, атлас лозим, беқасам камзул, кўк пальто, оёғида сариқ, пошнаси баланд туфли, қулоғида 500 сўмлик тилла балдоқ, билагида тилла билак-узук, бармоқларида тўрт дона тилла узук бор эди.

Бойхонов олдиндан тасалли бериб, марҳуманинг суратини кўрсатди. Она: «Танидим, менинг қизим», — деб ҳушидан кетди, ўзига келиб, дод солди.

Олинган муҳим маълумотлар охиригача текширилиб, аниқлаб чиқилгач, Қундузхонни қидирдик. У Наманган шаҳрининг Қўқон кўчасидаги 34-уйда Мирхалил деган чолнинг ташқари ҳовлисида ижарага тураркан. Лекин бу ерда ондасонда бўлар, кўпроқ Шаҳанд қишлоқ Кенгаши ҳудудида яшайди, дейишди маҳалла аҳли. Эҳтиёткорлик билан аниқланишига қараганда, Қундузхон Шаҳанд қишлоқ Кенгаши котиби Жуман Тўраев билан яқин алоқада бўлиб, ҳатто бирга яшаркан.

Июль ойининг кейинги шанба кунинда Жуман Тўраев бозордаги чойхонада ароқ ичиб ўтирганлиги ва кимлар биландир жанжаллашганлиги ҳам маълум бўлди. Бизнинг топшириғимизга мувофиқ участка инспектори уни ушлаб, Задарё тумани ички ишлар бўлимига олиб бориб, қамаб қўйди.

Жуман анойилардан эмаслигини, осонликча «жон бер-

маслиғи»ни яхши билар эдик. Шунинг назарда тутиб, у билан алоҳида суҳбатлар уюштирдик.

Кейинроқ уни ички ишлар бошқармасига олиб келдик. Вилоят прокурори Фовит Ҳакимов, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Турсунбой Абдуллаевлар билан биргаликда тергов қилганимизда, у дастлаб Қундузхонни ҳам, Шаҳодатхонни ҳам танимайман, деб туриб олди.

— У ҳолда сизни ҳозир Шаҳодатхон ва Қундузхон билан юзлаштирамиз, — дедим охишта.

— Ўлган одам билан-а? — деб юборди шунда Жуман беихтиёр ўзи ҳам билмаган ҳолда.

— Қайсиниси ўлган, Шаҳодатхонми, Қундузхонми? — деб сўрадим яна.

Ранги ўзгариб, индамай қолган Жуманни бирданга тер босди. Темирни қизига бос, деган нақлга амал қилдик.

— Келинг, Жуманбой, эркакчасига гаплашайлик. Мана, айбингизни ўзингиз очиб қўйдингиз. Энди оёқ тираб туришдан фойда йўқ! Тўғриси айтинг, Шаҳодатхонни ким ўлдирган?

— Очигини айтсам, уни Қундузхон икковимиз ўлдирдик...

— Бунга сабаб нима бўлди?

— Қундузхон билан анчадан бери эр-хотиндай бирга яшардик. 1954 йили қайсидир бозор кунини Қундузхон бир ёш қизни бошлаб келди: «Танишинг, синглим, ис-

ми Шаҳодатхон», — деди. Шундан сўнг тез-тез биргаликда келиб турадиган бўлишди. Шаҳодатхон кўхликкина, ширин сўз, очиқ қиз эди. Уч-тўрт марта кўришгандан кейин: «Қизмисиз?» — деб сўрадим. «Йўй, эрим билан ажрашганман. 21 ёшга кирдим», — деди. «Мен сизни қиз бола деб юрибман» — дедим. Шу тарзда у билан ҳам «тил топишдим». Бу орада Қундуз Намангандан ижарага уй топди, шу ерда бирга турармик, деди. Уйга кўрпа-гўшак дегандек, ул-бул сотиб олиб, бирга яшай бошладик. Қундузнинг йўқлигида Шаҳодатхонни уйга олиб келардим. Бир кун шунақа хуфия учрашувимизнинг устига Қундуз келиб қолди, жанжал кўтарди. Шаҳодатхон икковимиз ораимизда ҳеч нима бўлгани йўқ, деб қасам ичдик. У юпанди, ярашгандай бўлди. Аммо юрагимда жуда катта адоват сақланиб қолган экан.

1955 йил март ойининг бошларида мен, Қундузхон, Шаҳодатхон учовимиз Наманган шаҳрига келиб, уйда бирга ётиб қолдик Шаҳодатхон жуда қаттиқ ухлар эди. У ҳеч нарсадан беҳабар бамайлихотир ором олаётганда, Қундуз мени авради: «Арқон олиб келганман, бўғиб ўлдирамиз. 500 сўм пули, тилла тақинчоқларини оламиз, ўлигини сандиққа яширамиз», — деди. Мен: «Қўй, бу иш яхшиликка олиб бормайди», — десам ҳам унамади, гапида туриб олди. Ниҳоят, рози бўлдим. Қундуз оёғини ушлаб турди, мен бўйнига арқон солиб қаттиқ бўғдим. Қимирламай қолгандан кейин қимматбаҳо нарсаларини ечиб олиб, ўзини сандиққа солиб, устидан кўрпа йиғиб қўйдик. Эрталаб Қундуз Чустга кетди, мен Шаҳандга ишга жўнадим.

Уч кун ўтгандан кейин бир ағдарма машинани кирди қилиб, сандиқни Шаҳандга, ўз уйимга олиб бордим. Ўликни ҳожатхонага ташладим, устини тупроқ билан кўмдим. Аммо ҳовлида ўлик туришига ҳеч кўнглим бўлмади. Кейинроқ уни очиб, қонга солдим. Уша ағдарма машинада Сирдарё кўпригига олиб бориб, сувга оқизиб юбордим. Шаҳодатхондан ҳаммаси бўлиб икки минг сўм пул, тилла буюм олганмиз. Барча гуноҳларимга иқрорман.

Қундузхон ҳам зудлик билан қамоққа олинди. У ҳам ишончли далиллар олдига бoш эгди, жиноятини тан олди.

Қўй ўтмай Наманган шаҳрида «ошиқ-маъшук» қотиллар устидан очиқ суд ўтказилиб, иккови ҳам олий жазога — отишга ҳукм қилинди. Суд ҳукми ижро этилди.

Шу тарзда поезд паттасини тўғайли очилган машғум қотилликка нуқта қўйилди.

**М. СОДИҚОВ,**  
истеъфодаги милиция полковниги.



## ҲУҚУҚИЙ МАЪЛУМОТ

Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-онаси ва хотинларига Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун белгиланган барча имтиёзлар татиқ этилади:

— темир йўл транспорти, сув, ҳаво ёки шаҳарлараро автомобиль транспортида йилда бир марта йўл кира ҳақининг 50 фоиз баҳосини тўлаш;

— шахсий уй-жой қуриш учун тўловсиз қарз олиш;  
— иш даврида бириктиб қўйилган поликлиникалардан пенсияга чиққандан кейин ҳам фойдаланиш;

— дала ҳовли ширкатига биринчи галда қабул қилиниш;

— иш ҳақидан олинандиган даромад солиғини 50 фоизга чегирниш;

— шифокор рецепти билан дори-дармонларни бепул олиш;

— шаҳар йўловчилар транспортининг барча турларида (таксидан ташқари) ва қишлоқларда турар жойдаги маъмурий туман доирасида умумфойдаланадиган автомобиль транспортида бепул юриш;

— алоқанинг барча хизматларидан навбатсиз фойдаланиш ва квартирага навбатсиз телефон ўрнаткиш.

## МУХЛИСЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

«Поста» рўзномасига барча алоқа бўлимларида 1992 йил учун обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Рўзномага жамоатчи обуна тарқатувчилар ёрдамида ҳам ёзилиш мумкин.

Рўзноманинг обуна рақами (индекс) — 64615. Обуна баҳоси — бир йилга 15 сўм 60 тийин, олти ойга 7 сўм 80 тийин, 3 ойга 3 сўм 90 тийин.

Эслатиб ўтамиз, обуна учун олинандиган президентлик солиғи бекор қилинди.

Демак юқорида кўрсатилган обуна нархига ҳеч қандай қўшимча пул тўламасдан рўзномага ёзилиш мумкин.